

## ШАРТНОМА №15-22

“16” 11 2022 йил

Самарканд ш.

“Сув таъминоти ва оқова сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Самарканд вилояти худудий бошкармаси, бир томондан Низоми асосида иш юритувчи бошкарма бошлиги С.Зиядуллаев бундан кейин “Буюртмачи” деб номланади ва “Армас” МЧЖ, бундан кейин “Бажарувчи” деб номланади Устав асосида иш юритувчи директор Г.Хаджиев бошқа томондан, ушбу шартномани туздилар:

### 1. Шартноманинг мавзуси

- 1.1. Нарпай тумани «Янгиюбод» МФЙ нинг М.Роҳат ва А.Жомий кучалари ва Хоразм масивига 6,0 км ичимлик суви тортиш лойиҳа-смета хужжатларини (Экология, геология, гидрогеология, топо-харита) ишлаб чиқиш.
- 1.2. Буюртмачи кўрсатма беради ва молиялаштиради, бажарувчи ишларни ШНК 1.03.01-16 Корхоналар, бинолар ва иншоотларни капитал қуриш учун лойиҳа хужжатларини таркиби, ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш тартиби асосида бажарилишини ўз зиммасига олади ҳамда ШНК 1.03.07-2010 Курилишда меъморий-техник назорат тўғрисидаги низом талаблари асосида муалифлик назоратни юритади.
- 1.3. Шартномани бажаришни бир томонлама рад этиш ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.
- 1.4. Бажарувчи буюртмачининг ёзма розилигисиз ишнинг бир қисмини, яъни Бажарувчи томонидан олиб борилмайдиган маҳсус тадқиқот турларини бажариш учун субпудрат шартномасини тузишга ҳақлидир.

### II. Тарафларнинг вазифалари.

#### 2.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбурдир:

- 2.1.1. Техник топширикларга ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофик ишларни бажариш, буюртмачи билан бажарилган ишлар (босқичлар) натижаларини мувофиқлаштириш, буюртмачига шартнома бўйича бажарилган барча хужжатларни топширади.
- 2.1.2. Бажарувчи буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсга ушбу шартнома бўйича расмийлаштирилган хужжатларни топширишга ҳақли эмас.
- 2.1.3. Бажарувчи ушбу обьектда қурилиш – монтаж, таъмирлаш ишлари якунлангунинг кадар муалифлик назоратини олиб боради ва шу жараёнда асосли бўлган ўзгаришларга белгиланган тартибда хужжатлар расмийлаштиради.

#### 2.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбурдир:

- 2.2.1. Иш бошланишидан олдин, бажарувчига ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичida дастлабки ишлаб чиқилган хужжатларни (техник топширикларни) тақдим этади.
- 2.2.2. Ушбу шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларида назарда тутилган тартиб ва шартларига асосан бажарувчига белгиланган шартнома қийматини тўлайди.
- 2.2.3. Буюртмачи бажарувчига ишларни бажариш учун зарур бўлган кўшимча маълумотларни тақдим этишга мажбурдир.
- 2.2.4. Буюртмачи ишлаб чиқилган хужжатлар (loyiҳa-смета хужжатлар)ни факат ушбу обьект учун пурратчига топширишга ҳақлидир, лойиҳa-смета хужжатларини бошқа ташкилот ва шахсларга беришга факат буюртмачи ташкилотини розилиги билан амалга оширилади.

### III. Шартноманинг қиймати ва тўловларни амалга ошириш тартиби.

- 3.1. Ушбу шартнома бўйича бажарувчи томонидан бажарилган ишлар қиймати 1-илова нархларни келишув баёнига асосан ҚҚС билан, 25 000 000 (йигирма беш миллион) сўм.
- 3.2. Буюртмачи бажарувчига шартнома умумий қийматининг 30% миқдорида, яъни 7 500 000 (етти миллион беш юз минг) сўм бўнак ўтказишни ўз зиммасига олади.
- 3.3. Бажарувчи икки томонлама шартнома имзолангандан сўнг ишларни бошлайди шундан сўнг шартнома шартлари кучга киради.
- 3.4. Буюртмачи шартнома суммасининг қолган қисмини бажарилган ишлар учун ҳисоб-фактура иккала томон имзолаганидан кейин ва тасдиқланган манзилли дастурга мувофик молиялаштиради.

### IV. Ишларни етказиб бериш тартиби

- 4.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш ва расмийлаштириш техник топшириқ талабларига мувофик белгиланади.
- 4.2. Бажарувчи томонидан расмийлаштирилиши ва буюртмачига тақдим этилиши керак бўлган хужжатлар рўйхати техник топшириқ билан белгиланади.
- 4.3. Бажарувчи ишларни якунлагандан сўнг, буюртмачига техник топшириқда назарда тутилган хужжатлар тўпламини илова қилган ҳолда ишни топшириш қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.
- 4.4. Ишларни бажариш мuddати 14 кун.
- 4.5. Иш бошлаш вакти - бўнак тушган кунидан бошлаб

- 4.6. Буюртмачи бажарувчидан техник топширикда кўрсатилган ҳисобот хужжатларини олган кундан бошлаб кун ичida қабул қилишни ўз зиммасига олади;
- 4.7. Агарда бажарилган ишда лойиха -смета хужжатлари иш ҳажмларида давлат экспертизаси хulosаси олиниб қурилиш монтаж ишлари бошлангандан сунг нуқсон ва камчиликлар аниқланса ушбу камчиликлар бажарувчи томонидан бартараф этилиб келтирилган зарарни коплашга мажбурдир.
- 4.8. Агар бажарилган ишда нуқсонлар аниқланса, бажарувчи уларни бартараф этиб, сўнгра 10 кун ичida тузатилган ишни буюртмачига топширишга мажбурдир.

#### **V. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.**

- 5.1. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларини ўз вақтида топширгаган тақдирда, Буюртмачи шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир.
- 5.2. Буюртмачи бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишни бажаришни бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб кўйган ҳолларда, Бажарувчи шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир;
- 5.3. Ушбу шартномани бекор қилишни бошлаган томон иккинчи томонга ёзма равишда хабар юборади.
- 5.4. Шартнома бекор қилинганда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни коплаш учун шартнома кийматига нисбатан 20 фоиз жарима тўлайди.

#### **VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

- 6.1. Мажбуриятларни лозим дараҷада бажармаганлиги ёки лойиха-смета хужжатлари ўз вақтида етказиб берилмаганлиги учун, буюртмачи фойдасига бажарувчидан бажарилмаган иш ҳажмининг 0,5% микдорида пеня ушлаб қолинади. кечикирилган ҳар бир кун учун. Бундай ҳолда, пенянинг умумий микдори бажарилмаган иш қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
- 6.2. Иш учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, буюртмачи бажарувчига ҳар бир кечикирилган кун учун кечикирилган тўлов микдорининг 0,4% микдорида пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий микдори кечикирилган сумманинг 50% дан кўп бўлмаслиги лозим.
- 6.3. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги учун бажарувчи ва буюртмачи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ мулкий жавобгарликни ўз зиммаларига олади.

#### **VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

- 7.1 Томонлар ўртасида хўжалик шартномаларини бажариш, ўзгаришиш ва бекор қилишдан келиб чиқадиган низо, шунингдек етказилган зарарни коплаш тўғрисидаги низолар музокаралар йўли билан, шунингдек даъво тартибида ҳал этилади.
- 7.2. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро келишув йўли билан ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибида Самарқанд вилояти ва туманлараро иқтисод суди томонидан кўриб чиқилади.

#### **VIII. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ ҲОЛАТЛАРИ**

(Форс-мажор)

- 8.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни кисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинади, агар бу табиий ҳодисалар ва бошқа форс-мажор ҳолатлар натижасида юзага келган бўлса ва ушбу ҳолатлар шартноманинг бажарилишига бевосита таъсири килган бўлса:  
Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати форс-мажор ҳолатлари кучга кирган даврга, шунингдек ушбу ҳолатлар келтириб чиқарган оқибатларга мутаносиб равишда кейинга қолдирилади.
- 8.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўпроқ давом этса, бажарувчи ва буюртмачи ишни давом эттириш ёки уни саклаб қолиш учун кандай чоралар кўриш кераклигини муҳокама қиласи.
- 8.3. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, унда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. БОШҚА ШАРТЛАР**

- 9.1. Ушбу шартнома ҳудудий ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил “31” декабргача амал қиласи.
- 9.2. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилган:
- 9.3. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгаришишлар ва қўшимчалар фақат томонларнинг ўзаро розилиги билан амал қиласи ва қўшимча битим шаклида амалга оширилади.

#### **X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.**

##### **«БУЮРТМАЧИ»**

Номи: “Сув таъминоти ва оқова сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниеринг компанияси” УК Самарқанд вилояти ҳудудий бошкармаси

Манзил: Самарқанд ш. Кўксарой майдони 1.

Банк: Марказий банк Томкент и.

Х/р:

МФО:00317      ИНН:305979178

Газна х/р: 23402000300100001010

ИНН: 201122919      МФО:00014

Бошқарма

бошлиги: \_\_\_\_\_ С.И.Зиядуллаев  
М.У. (имзо)

Юрист:       A.Ibragimov

##### **«БАЖАРУВЧИ»**

Номи: “Армас” МЧЖ

Манзил: Самарқанд ш., А.Икрамова кучаси, 1

Банк номи: ХАК «Ориент Финанс Банк»

Сам.филиали

Хисоб раками: 2020 8000 500 361 294 001

МФО: 01111

СТИР (ИНН): 201831867

ОКЭД: 71110

Директор:       Г.Х.Хаджинев

2022 йил «16» 11 даги  
15-22-сонли шартномага  
1-илова

Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун

### КАЛЕНДАР РЕЖА

Объект номи: Нарпай тумани «Янгиобод» МФЙ нинг М.Роҳат ва А.Жомий кучалари ва Хоразм масивига 6,0 км ичимлик суви тортиш учун лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш

Шартнома бўйича ишнинг номи	Такдим этиладиган ҳужжатлар	Бажариш мухлати		Хисобланган нарх	
		Бошланиши	Тугаси	Шартнома суммасидан фонизда	сўм
лоиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш	Техник топширикга асосан лойиха ҳужжатлари	Шарнома имзолангандан сўнг ишлар ишларни бошлаш муддати хисобланади	14	2,0	25 000 000

#### «БҮЮРТМАЧИ»

Номи: “Сув таъминоти ва оқоват сув объектлари курилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК  
Самарканд вилояти худудий бошкармаси

Бошкарма бошлиги: С.Зиядуллаев



#### «БАЖАРУВЧИ»

Номи:  
“Армас” МЧК

Директор:

Г.Х.Хаджинев

